



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
2-сон



**МУНДАРИЖА :**

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Фарход Ҳамидович Набиев</b> Порахўрлик ва коррупциянинг хусусиятлари ва тараққийга таъсири	5
<b>Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ҳрозов</b> Темурийлар даври нақшбандия тарихати вакили Хожа Алоуддин Аттор ўғитлари ва унинг фалсафий моҳияти	10
<b>Ҳасан Абдусаитович Рахимов</b> Меҳмонхона хўжаликларида кўрсатиладиган хизматларнинг мазмуни билан боғлиқ назарий масалалари	15
<b>Bekniyoz Baxtiyor o‘g‘li Suvonov</b> Хо‘jalik yurituvchi subyektlarda menhat sarfining iqtisodiy mohiyati va uning o‘ziga xos xususiyatlari	18
<b>ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Фароғат Болтаевна Шакирова</b> Инновацион иқтисодиётга трансформациялашув жараёнида айрим муаммолар ва уларни бартараф этишнинг аҳамияти	23
<b>Азамат Абдукаримович Касимов</b> Саноат ривожланишини эконометрик моделлар асосида тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	28
<b>Тухта Даминович Маматкулов</b> Иқтисодиётни ривожлантириш ва рақамлаштиришда саноат 4.0 нинг аҳамияти	33
<b>Dilafuz Saidbaxromovna Saidaxmedova</b> Tadbirkorlik subyektlarining raqamli kompetensiyasini oshirish imkoniyatlari	39
<b>Шаҳноза Сууюновна Рузиева</b> Сунъий интеллект технологиялари ва уларнинг таълимни ривожлантиришдаги самараси	42
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Нилуфар Абдувахидовна Юлдашева</b> Саноат корхоналарида инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг концептуал асослари	47
<b>Асроржон Ахроржон ўғли Илёсов</b> Саноат маҳсулотлари экспортидаги асосий тенденциялар: миллий ва ҳудудий таҳлил	52
<b>ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Шодиёр Абдихалилович Султонов</b> Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари	56
<b>Анвар Нематович Холиқулов</b> Хизмат кўрсатиш корхоналарида сервис сифати ва маданиятини оширишга эришиш йўллари	62
<b>Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva</b> O‘zbekiston temir yo‘llari sharoitida vagon parkini aniqlashda qo‘shimcha omillarni hisobga olish	65
<b>Асқар Ахрорович Сиддиқов</b> Умумий овқатланиш корхоналарида инновацияларнинг таснифланиши	69

Азамат Абдукаримович Касимов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси доценти, PhD

## САНОАТ РИВОЖЛАНИШИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАР АСОСИДА ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада саноат тармоғи ривожланишини эконометрик моделлаштириш асосида тадқиқ қилиш жараёнлари ўрганилган ва моделлаштириш босқичлари батафсил ёритиб берилган. Шунингдек, саноат ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилган ва уларнинг ўзаро интеграцияси ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, эконометрик моделларни тузишдаги мезонлар ва тамойиллар келтирилган ҳамда эконометрик моделлаштиришнинг имкониятлари тўлиқ очиб берилган.

**Калит сўзлар:** саноат, эконометрик модел, таҳлил, омиллар, иқтисодий ўсиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш.

**Кириш.** Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш, ислохотларни давом эттириш ва иқтисодий мувозанатни таъминлаш ҳамда ҳудудий иқтисодиётнинг асосий етакчи соҳалари жумладан, саноат тармоқларини модернизация ва диверсификациялаш, шунингдек транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш жорий давр учун долзарб масалалардандир. Бунда ички манбаларни тўғри йўналтириш ва улардан тўлиқ фойдаланиш асосида саноат тармоқларини жадал ривожлантириш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш кўзда тутилган.

Иқтисодий ислохотларни таркибан янада чуқурлаштириш, саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри кенг жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қурулантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва булар асосида миллий иқтисодиётнинг барқарор ва динамик ривожланишига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда иқтисодий-ижтимоий ривожланиш моделларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бугунги глобаллашув шароитида юқори технологияли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ҳисобига экспортни кўпайтиришга эришиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан саноатнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш, унинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни иқтисодий-математик, эконометрик, статистик жиҳатдан баҳолаш, мезонларини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасини моделлаштириш ва ўзгариш тенденцияларини реал прогнозлаш ҳамда моддий харажатларни қисқартиришнинг оптимал вариантларини топиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва салоҳияти – унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Бунинг учун эса ички ва ташқи имкониятларидан келиб чиқиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос моделларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Мазкур моделлар биринчи набатда иқтисодиёт тармоқларининг моддий-техник ва капитал ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилиши, хусусан, тармоқлараро таркибий қайта қуришни самарали амалга ошириш, шунингдек оқилona инвестиция сиёсатини юритишни қамраб олиши муҳимдир.

Иқтисодчи олимлар И.Абдуллаев ва Б.Рузметовлар фикрича, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши – саноат ишлаб чиқариши, меҳнат салоҳияти, ишлаб чиқариш кучларининг самарали жойлашуви, аҳоли турмуш даражаси ҳамда давлат бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини ўз ичига олади [1].

Иқтисодчи R.L.Thomasнинг фикрича эса, иқтисодий ўсишда омиллар тизими муҳим рол ўйнайди. Лекин, бундан ҳамма омилларнинг тўплама таъсири ҳар бирининг таъсир этиш ўлчамлари йиғиндисига тенг деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Шунингдек,

омиллар тизими – бу уларнинг оддий арифметик йиғиндиси бўлмасдан, балки, у ички боғланишларни, таркибий элементларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ҳам тақозо қилади. Тизим ҳаракати натижасида таркибий элементларнинг таъсирлари устига “тизим самараси” қўшилади [2].

Бу иқтисодий жараёнларни нафақат эмпирик, балки, иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни миқдорий жиҳатдан ўрганиш асносида иқтисодий ривожланишнинг истиқболли стратегияларини ишлаб чиқиш лозимлигини англатади.

Р.Алимов ва бошқаларнинг фикрича, турли иқтисодий ходисаларни ўрганиш ва соддалаштириш учун иқтисодчилар иқтисодий моделлар деб аталувчи тушунчалардан фойдаланадилар. Иқтисодчилар моделларни тузишда тадқиқ этилаётган ходисаларни ифодаловчи энг муҳим омилларни аниқлайдилар ва қўйилган муаммони ечиш учун аҳамиятсиз бўлганларини олиб ташлайдилар [3].

Р.А.Гатауллиннинг фикрича, саноат тармоқларини ривожлантириш ва иқтисодий ўсишини таъминлаш учун ишлаб чиқариш мажмуаларининг ривожланиш тенденциялари ва уларнинг мақсадли таркибий ўзгаришларини амалга ошириш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва ривожланишнинг устувор йўналишларини танлашга қаратилган ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг янги моделларини шакллантириш лозим [4].

Шунингдек, саноат тармоқларида фойдаланилаётган ресурслар самарадорлигини ошириш ва мавжуд муаммоларни ечишда юзага келадиган хатарларни олдиндан кўра билиш ва илмий асосланган чора-тадбирлар ёхуд ечимлар ишлаб чиқиш талаб қилинади. Қолаверса, саноат тармоқларининг барқарор ўсиши ва глобал рақобатбардошликка эришишини таъминлашни ҳар томонлама таҳлил қилиш, шунингдек, улар орасидаги миқдорий боғланишларни аниқлаш ва тармоқларни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишда муҳим саналади.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур тадқиқотда назарий таҳлил, жадвал, қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, аналитик таққослаш, мантиқий фикрлаш ва мушоҳада усуллар кенг қўлланилган. Шунингдек, мазкур мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари таҳлил қилиниб, уларнинг илмий қарашлари чуқур ўрганилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Таҳлиллар шуни кўрсатадики, саноат тармоқларини ривожлантиришга таъсир қилувчи омилларга мантиқий ва иқтисодий жиҳатдан қараганда уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва таъсир этиш даражасига кўра ўзига хос хусусиятларга эгадир. Масалан, саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми динамикасига бевосита таъсир этувчи омиллар сирасига молиявий ва моддий-техник ресурслар, меҳнат ресурслари, хом ашё базаси ва бошқа омилларни киритиш мумкин.

Аммо, саноат тармоқлари ривожланиши мураккаб ва узоқ муддатли жараён ҳисобланади. Шу боисдан, бу жараёнга бевосита ва билвосита ҳамда турли даражада таъсир кўрсатадиган кўплаб омиллар мавжуд. Жумладан, институционал бошқарув хусусиятлари, мамлакатнинг географик жойлашуви, экологик имкониятлари, инновацион салоҳияти, хом ашё ва табиий ресурслар базаси салмоғи, меҳнат ресурсларининг интеллектуал имкониятлари, транспорт ва бозор инфратузилмаларининг ривожланганлик даражалари ва бошқалар. Мазкур омилларнинг ўзаро боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).

Саноат тармоғини ривожлантиришнинг оптимал моделини яратишда, айниқса, ҳозирги ноаниқлик ва таваккалчилик шароитида иқтисодий жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилиш учун иқтисодий-математик усуллар ҳамда эконометрик моделлардан фойдаланиш кутилиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш имконини беради [5].

Шунга кўра, саноат ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи омиллар таъсири самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар, шунингдек таваккалчилик ва ноаниқлик муносабатларига мос динамик моделлар асосида ўрганиш нафақат илмий-назарий, балки, муҳим амалий аҳамият касб этмоқда.

Чунки, иқтисодий қонуниятларга асосланган назарий жиҳатдан иқтисодий моделлар концепцияси мавжуд бўлиб, ушбу моделлар иқтисодиётнинг муайян сектори билан боғлиқ статистик маълумотларни умумлаштириш ва мавҳум кўрсаткичларни акс эттирган ҳолда



1-расм. Саноат ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг ўзаро интеграцияси<sup>1</sup>

натижани баён этиш имконига эгадир. Айнан шунинг учун ҳам иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда айрим ўзгарувчи қийматлари асосида бошқа ўзгарувчан қийматларни аниқлаш учун яратилган иқтисодий-математик моделлар кенг қўлланилади.

Таъкидлаш мумкинки, ҳудудий саноат тармоқларини эконометрик таҳлил қилишнинг мақсади – энг самарали ва оптимал қарорларни қабул қилиш, унинг ривожланиш тенденциялари ва ноаниқлик жараёнларини башорат қилиш учун эконометрик моделларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Иқтисодчи олим Э.Р.Берндт ҳам ўз тадқиқотларида [6] яхлит эҳтимолликка асосланган бозор иқтисодиёти тизимида эконометрик моделлар ҳудудий саноат тармоқлари таҳлили учун алоҳида аҳамият касб этишини илгари сурган.

Ўз ўрнида эконометрик моделлар бизга саноат объектининг ишлаш хусусиятларини аниқлашда қўл келади ва шу асосда ҳар қандай кўрсаткичлар ўзгарганда унинг келгусидаги ҳаракатини тахмин қилиш мумкин бўлади. Бу эса яхшироқ ва ишончли прогнозни олиш имконини беради. Ҳар қандай ҳудудий саноат тармоғи учун вазиятларни олдиндан билиш қобилияти яхшироқ натижаларга эришишни, йўқотишларни олдини олиш ва хавфни минималлаштиришни англатади. Шундай қилиб, эконометрик модел мезонлари – мақсад, алтернативлар, харажатлар ва самарадорликни ўз ичига олади. Уларнинг ўзаро боғлиқлигини қуйидагича эътироф этиш мумкин (2-расм).



2-расм. Эконометрик моделларни тузишдаги мезонлар<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси.

Фикримизча, мақсадларни тўғри аниқлаш – мумкин бўлган вариантларни тўғри танлаш имконини беради. Шунингдек, оптимал вариантларни танлашда мақсадга эришиш усуллари ва уларнинг афзалликларини ҳисобга олиш орқали амалга оширилиши мумкин. Харажатлар ва самарадорликка қараб доимий равишда таққослаш алтернативларни таклиф қилиш жараёнини эконометрик моделларнинг энг муҳим мезонига айлантиради. Зеро, эконометрик моделлар ҳар бир алтернатив вариантлардан кутиш керак бўлган оқибатлар ва натижаларни аниқлашга имкон беради, шунингдек, харажатларни қисқартириш ва самарадорликни ошириш ҳамда мақсадга эришиш даражасини тавсифлайди. Эконометрик моделларни доимий равишда уларнинг мезонларини такрор-такрор бажариш ва қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ногўғри мақсадни танлашнинг олдини олиш лозим. Вазиятнинг ноаниқлигини аниқлаш ва уларнинг иш фаолиятга таъсирини баҳолаш учун ноаниқликларни ҳисобга олиш усуллари ва иқтисодий тамойилларга кўра амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Худудий саноат тармоқларини эконометрик тадқиқ этиш, моделлаштириш ва таҳлил қилиш жараёни анча мураккаб бўлиб, уни бир неча босқичларга бўлиш мумкин, яъни:

1. Муаммонинг баёни (мақсадни аниқлаш ва шакллантириш).

Тадқиқот мақсади сифатида худудий саноат тармоқларини таҳлили, улар кўрсаткичларининг прогнози ва уларга таъсир қилувчи экзоген (эндоген) ўзгарувчи омиллар ўзгарганда тармоқлар ривожланишига таҳдид ва ҳ.к.лар эътиборга олинади.

2. Модел хусусиятлари (спецификация).

Модел спецификацияси – кўриб чиқилаётган иқтисодий объект ёки жараённи олдиндан таҳлил қилиш асосида топилган муносабатларнинг математик шаклда ифодаланишидир, яъни, модел кўрсаткичлари.

$$Y = f(X, a),$$

бу ерда:  $Y$  – изланаётган натижа кўрсаткичи;

$X$  – мустақил ўзгарувчи (омиллар);

$a$  ( $a_1, a_2, \dots, a_k$ ) – ҳали мавжуд бўлмаган номаълум кўрсаткичлар.

Бошқача айтганда, модел спецификацияси ўзгарувчиларни боғлаш учун формулани танлаш деб тушиниш мумкин. Масалан, регрессия таҳлили ҳолатида аниқланган мустақил ва боғлиқ бўлган ўзгарувчилар комбинацияси учун мос бўлган регрессия формуласи танланади: чизикли, квадратик ёки бошқа.

3. Моделни идентификация қилиш (моделнинг номаълум кўрсаткичларини статистик баҳолаш).

Бу босқич вазифаси  $f(X, a)$  функциянинг кўрсаткичлар туркумидан  $Y=f(X)$  функциясини энг яхши усулда танлашдир. Шунингдек, кузатилган  $Y$  қийматларининг  $X$  ( $x_1, x_2, \dots, x_n$ ) қийматларига боғлиқлигини тавсифлайди.

Кўрсаткичларнинг энг яхши қийматлари  $a$  номаълум координатлари бўлиб, уни ҳисоблаш учун турли хил усуллар мавжуд. Масалан, энг кичик квадратлар усули ва бошқалар.


4. Моделни текшириш (сифат назорати).

Текширув усуллари статистик гипотезаларни текшириш тартибларига ва турли хил статистик баҳолаш усуллариининг аниқлик хусусиятларини статистик таҳлиliga асосланади. Яъни, реал маълумотларни таққослаш, моделнинг мувофиқлигини текшириш, унинг аниқлиги ва прогноз хусусиятларини баҳолаш.

Умуман олганда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни илмий билишнинг энг муҳим воситаси бу – моделлаштириш бўлиб, унинг асосий мақсади ўрганилиши лозим бўлган мураккаб иқтисодий ҳодиса, жараён ёки объектнинг энг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттирувчи экспериментал моделни яратишдан иборатдир. Мазкур модел объектни тўғри бошқариш ва бошқарувнинг турли вариантларини синовдан ўтказиш ҳамда уни ўрганиш имкониятини беради [7]. Албатта, эконометрик моделларнинг ўзига хос тамойиллари

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси.

мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича талқин этиш мумкин (3-расм).



Шодиев Т.Ш. ва бошқаларнинг фикрича [8], иқтисодий-математик моделлаштириш усуллари, хусусан эконометрик усуллар моддий, меҳнат, вақт ва пул ресурсларидан самарали фойдаланиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда уларнинг янги ўрганилмаган қонуниятларини очиб бериш, иқтисодиётнинг, жумладан ҳудудий саноат тармоқларининг келгусида ривожланишини илмий асосланган ҳолда олдиндан айтиб бериш, ақлий меҳнатни енгиллаштириш ҳамда бошқарув қарорларини сифатлироқ тайёрлаш кабиларга имкон яратади.

Шу жумладан, ҳудудий саноат тармоқларини эконометрик моделлаштириш асосида таҳлил қилиш қуйидаги хусусиятларга эга:

**Биринчидан**, ҳудуд саноат тармоғи иқтисодий объектлари ва кўрсаткичларининг энг муҳим, эътиборга лойиқ алоқаларини ажратиш беради ва математик моделларда ифодалади: бундай мураккаб объектни ўрганиш юқори даражада абстрациялашни кўзда тутади.

**Иккинчидан**, аниқ шаклланган дастлабки маълумотлар ва дедукция усуллари муносабатларидан ўрганилаётган объект бўйича мос келувчи хулосаларни олиш мумкин.

**Учинчидан**, математика ва статистиканинг усуллари индуктив йўл билан объект тўғрисида янги билимларни олишга имкон беради: объект бўйича мавжуд бўлган кузатувларга кўп жиҳатдан мос келувчи ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликларнинг кўрсаткичлари ва шаклларини баҳолайди.

**Тўртинчидан**, математик усуллардан фойдаланиш иқтисодий назариянинг қоидаларини аниқ ва лўнда изоҳлашга, унинг тушунчалари ва хулосаларини шакллантиришга имкон беради.

Фикримизча, эконометрик моделларни қуришда энг асосий эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳати бу таъсир қилувчи омиллардир. Яъни, ишлаб чиқариш ҳажми ёки саноат ривожланиши  $Y$  га таъсир қилувчи  $X$  омилларни тўғри танлаш ва уларни энг муҳимларини ажратиш олишдир.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, саноат тармоқларини эконометрик моделлаштириш асосида тадқиқ қилиш қуйидаги имкониятлар ва афзалликлар орқали оптимал вариантни ишлаб чиқиш ҳамда тўғри қарор қабул қилишга хизмат қилади:

- саноат тармоқлари иқтисодий кўрсаткичларини миқдорий баҳолаш билан сифатли ифодаланишининг тизимлилиги ва тўлиқлилигини таъминлайди;

- олинган прогнозларни иқтисодий ва статистик жиҳатдан ҳақиқатда амалга ошиш даражаси ёки ҳаётийликка мувофиқлиги текширилади;

- саноат тармоқлари ҳолатини таҳлил этишда эконометрик усуллардан фойдаланиб, энг оптимал ривожланиш стратегиялари аниқланади ва ишлаб чиқилади;

- эконометрик моделлаштиришда унга таъсир қилувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланади, бунда омиллар бир модел бўйича бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлатилиши ҳамда бошқа омилларга таъсир этиши ҳисобга олинади.

<sup>1</sup> Илмий адабиётларни умумлаштириш асосида муаллифлар томонидан тузилган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуллаев И.С., Рузметов Б. Худудий иқтисодий тизимни ривожланишини прогнозлашнинг комплекс сонли эконометрик моделлари. Монография. Тошкент “Lesson Press”, 2017. 14 бет.
2. Thomas R.L. Modern econometrics. - England.: Manchester Metropolitan University, 1998. - 211 p.
3. Алимов Р.Х. ва бошқ. Корхоналарда инвестициялардан самарали фойдаланиш жараёнларини эконометрик моделлаштириш. Ўқув қўлланма. Т.: “Fan va texnologiya”, 2014. 10 бет.
4. Гатауллин Р.А. Оценка эффективности производственного потенциала промышленного комплекса региона. Диссертация кандидата экономических наук. Ижевск, 2008г. -167 с.
5. Рўзметова Н., Файзиев Р., Ишназаров А., Нуруллаева Ш. Математик моделлаштириш. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДИУ, 2013.
6. Берндт Э.Р. Практика эконометрики. Классика и современность. М.:Юнити-дана, 2005. — 378 с.
7. Бордовский Г.А., Кондратьев А.С., Чоудери А.Д. Физические основы математического моделирования: Учебное пособие для вузов. – М.: Издательский центр “Академия”, 2005. -3 с.
8. Шодиев Т.Ш. ва бошқ. Эконометрика. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДИУ, 2007.

<p><b>А.Касимов</b></p> <p><b>Особенности исследований развития промышленности на основе эконометрических моделей</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в данной статье исследуются процессы исследования развития производственной сети на основе эконометрического моделирования и подробно объясняются этапы моделирования. Также были изучены факторы, влияющие на промышленное развитие, и разработана их взаимная интеграция. Кроме того, представлены критерии и принципы создания эконометрических моделей, а также полностью раскрыты возможности эконометрического моделирования.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> промышленность, эконометрическая модель, анализ, факторы, экономический рост, социально-экономическое развитие.</p>	<p><b>A.Kasimov</b></p> <p><b>Specific characteristics of industrial development research based on econometric models</b></p> <p><b>Abstract:</b> In this article, research processes of industrial network development based on econometric modeling are studied and the stages of modeling are explained in detail. Also, factors affecting industrial development were studied and their mutual integration was developed. In addition, the criteria and principles for creating econometric models are presented, and the possibilities of econometric modeling are fully disclosed.</p> <p><b>Keywords:</b> industry, econometric model, analysis, factors, economic growth, socio-economic development.</p>
--	---

Тухта Даминович Маматкулов – Термиз давлат университети ўқитувчиси

**ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА РАҚАМЛАШТИРИШДА САНОАТ 4.0 НИНГ АҲАМИЯТИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида саноат 4.0 нинг аҳамияти ва таъсири очиқ берилган. Иқтисодий ривожланиш, хусусан саноат тармоқларида инновация муҳитини ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар чуқур ўрганилган. Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолати, унинг ялли ички маҳсулот ва экспортдаги улуши ҳамда худудий саноат бўйича таҳлил амалга оширилган. Шунингдек, саноатни барқарор ривожлантириш бўйича истиқболли стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим саналган йўналишлар тақлиф этилган.

**Калит сўзлар:** саноат 4.0, рақамли иқтисодиёт, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инновация, ишлаб чиқариш, технология.

**Кириш.** Бугунги COVID-19 глобал пандемияси нафақат Хитой иқтисодиёти, балки, глобал иқтисодиётга жиддий таъсир кўрсатди. Яъни, кўплаб давлатларда айрим йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектлари фаолиятини вақтинча тўхтатишга, кўплаб ходимлар масофадан ишлаш режимига ўтди. Бунда табиийки, маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларида камайиш тенденцияси кузатилди. Бу эса дунё бўйлаб товар айланмасининг қисқаришига ва сунъий инфляциянинг қисман ўсишига

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023